# Судлар фаолиятини рақамлаштириш нима афзалликларга эга?



Мамлакатимизда судлар фаолиятини янада ривожлантириш, бу борада судлар фаолиятини рақамлаштириш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўтган давр мобайнида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференсалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш,

судялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш жорий этилди.